

Банк ўз ходимларининг касбий ва шахсий ўсиши учун мақбул шароитларни яратади.

"Ўзмилийбанк" ходимларнинг меҳнат шароитларини ташкил этишда энг яхши халқаро амалиётларга амал қилади.

Банк Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексининг нормалари ва тамойилларига қатъий риоя қилади, кадрлар масалалари ва гендер тенглигига алоҳида эътибор қаратади.

Бошқарув органи ва ижро этувчи орган ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тасдиқланган Низомга мувофиқ ҳар бир ходим фаолиятининг самарадорлигини таҳлил қилишга асосан амалга оширилади.

Шунингдек, банкда рағбатлантирувчи тўловлар бўйича комиссия мавжуд бўлиб, у ўз ваколатлари доирасида мукофотларни тўлаш, ИРҚни белгилаш, моддий ёрдам масалаларини кўриб чиқади.

Ҳисобот даврида белгиланган кўрсаткичлар (банк бўйича ва таркибий бўлинмалар бўйича фаолиятнинг миқдорий, сифат ва режали кўрсаткичлари) бажарилмаган тақдирда, ходимларга меҳнатга ҳақ тўлаш (ҳисобот ойдан кейинги ойдан бошлаб) Банк Комиссиясининг қарорига мувофиқ рағбатлантирувчи тўловларсиз амалга оширилиши мумкин.